

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2025-yil 4-dekabr, payshanba

48 (9368)

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

Чуст туманида яна бир йирик лойиҳа қурилиши бошланди

“Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт” йили муносабати билан Чуст туманида йирик инвестиция лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилмоқда. “Зарафшон” МФЙ ҳудудидан экосаноат зонасини ташкил этиш учун танлаб олинган 15 гектар ер майдонининг 10 гектарида “Everbright Environmental Energy Namangan” МЧЖ ХК томонидан хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда қиймати 150 млн. долларлик “Чиқиндини ёқиш орқали электр энергия ишлаб чиқариш” лойиҳаси амалга оширилади. Ушбу завод қурилишига тамал тоши қўйилган тадбирда хорижлик ҳамкорлар, нуронийлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда вилоят ҳокими Шавкатжон Абдураззоқов қатнашиб, ушбу йирик лойиҳа келгусида вилоят иқтисодиёти, экологиясига



катта ҳисса қўшишини таъкидлади.

Мазкур лойиҳа ишга тушиши ҳисобига 547,5 минг тонна чиқинди қайта ишланади, 310 млн. кВт•соат электр энергияси ишлаб чиқарилади, шундан 254 млн кВт•соати тармоққа узатилади. Бу тахминан 300 минг аҳолининг йиллик электр энергияга бўлган эҳтиёжини қоплайди. Энг асосийси, янги лойиҳа натижасида 180 нафар юртдошимизнинг доимий бандлиги таъминланади.

Таъкидлаш жоиз, вилоятда бир кунда ўртача 1450 тонна, йиллик 529,3 минг тонна чиқиндилар тўпланиб, тўлиқ қайта



ишлаш имконияти яратилмоқда. Биринчи босқичда 6 та тумандан йиғилган чиқиндилар Тўрақўрғон туманидаги қайта юклаш

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ



станциясига келтирилиб, сараланади ва ушбу заводга олиб келинади.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.



Agrobank

“Agrobank” ATB mijozlariga ko'rsatiladigan xizmatlar sifatini oshirish, ularga yanada qulay sharoitlar yaratish va xizmat ko'lamini kengaytirish maqsadida respublika bo'ylab yangi bank xizmatlari markazlarini jadal tashkil etib bormoqda.

Shu maqsadda, Toshkent shahar filialiga qarashli yana bir zamonaviy bank xizmatlari markazi o'z faoliyatini boshladi.

Ochilish tadbirida so'zga chiqqanlar mazkur markaz mijozlar uchun keng imkoniyatlar yaratishi, xizmatlarni tezkor va qulay tarzda taqdim etishi, eng muhimi, Agrobankni aholiga yanada yaqinlashtirishga xizmat qilishini ta'kidladilar.



Shuningdek, Toshkent shahrida "Agrobank mobil ofisi" xizmati ham tashkil etilgan bo'lib, buning yordamida byudjet tashkilotlarida ishlaydigan mijozlar uchun o'zlariga qulay vaqt va joyda bank xizmatlaridan foydalanish imkoniyati taqdim etiladi.

Sirasini aytganda, mazkur markazda mijozlarga barcha turdagi bank xizmatlari yuqori qulayliklar bilan ko'rsatiladi. O'z muxbirimiz.

Reklama huquqi asosida


AGROBANKNING YANGI BANK XIZMATLARI MARKAZI FOYDALANISHGA TOPSHIRILDI

КОНСТИТУЦИЯ – давлат ва жамият тараққиётининг мустаҳкам ҳуқуқий таянчи

Инсон манфаатлари унинг орзу-истаклари ҳуқуқ ва эркинликларининг дахлсизлиги Бош Қомусимиз доирасида мустаҳкамлаб қўйилди. Ҳар вақт, ҳар доим Конституциямиз республикамизни, халқимизни турли хавф-хатарлардан асрашда қалқон вазирасини ўтаб келмоқда. Унинг мустаҳкам негизлари асосида яратилган мукамал қонунларнинг ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётганлиги аҳамиятга моликдир. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кезларданоқ, бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш жамиятимиз ривожининг сиёсий ва Конституциявий мақсади этиб белгиланди. Шу тариқа Асосий Қомусимиз мамлакатимизда одил демократик фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ҳуқуқий пойдевори сифатида эътироф этилди. Зеро, бу олий ҳужжат халқимиз ҳаётида, унинг улкан яратувчанлиқ, бунёдкорлик ишларида ҳар

томонлама ҳуқуқий асос вазирасини ўтаётганлиги, фуқаролик жамиятининг талабларига ва мезонларига шунингдек, халқаро андозаларга тўла-тўқис мос эканлиги билан эътиборга лойиқдир. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида янгиланган Конституциямиз доирасида улкан ишлар амалга оширилмоқдаки, албатта, бунда жамият тараққиётида мазкур институтнинг роли янада ортиб бораётганлигидан далолат беради. Фуқаролик жамияти шундай жамиятки, унда қонунлар устуворлиги таъминланади, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қарор топади, сиёсий партиялар ва институтлар, мафкура ва фикрлар хилма-хиллиги таъминланади, инсонга унинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти шакллари эркин танлаши қафолатланади, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мавқеи юксак ва мукамал қарор топган бўлади.

(Давоми 3-саҳифада)



Инновацион технологияларни ривожлантиришда ИНВЕСТИЦИЯНИНГ ЎРНИ

Яна бир муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган устувор йўналиш – хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш бўлиб, чет элик инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратишга катта эътибор қаратилмоқдаки, бу ўзининг самарали натижаларини бермоқда. Бозор иқтисодиётида ҳамма нарсани талаб ва таклиф белгилайди. Аҳоли бандлигини таъминлаш, бозорни арзон ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдирish, корхоналарга инвестиция кириштиш, модернизация жараёнини чуқурлаштириш, юқори технологиялар ва инновацияларни жорий этиш олдимизда турган асосий вазибалардан биридир. Хорижий инвестицияларни жалб қилмасдан, аиникса,

етақчи тармоқларда хорижий инвестициялар иштирокини кенгайтирмасдан туриб, қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятни таркибий ўзгартириш ва уни иқтисодиётда модернизация қилиш, корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас. Республикамиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш унинг иқтисодий имкониятлари кенгайтириши жадаллаштиради, барча соҳаларда ички имконият ва захираларни ишга солиш, янги техника ва технологияларни, экспортбоп товарларни ўзлаштириш, уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали давлатимизнинг

иқтисодий қудратини таъминлайди.

Ишлаб қилишга замонавий техника ва технологияларни жорий этиш орқали экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, импорт ўрини босувчи товарлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун иқтисодиётнинг устувор тармоқларига хорижий инвестицияларни йўналтириш ва пировардида мамлакатда аҳоли турмуш даражасини таъминлаш имкониятини яратди. Кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кенгайтириш ҳисобига ўсиб бораётган аҳоли иш билан таъминланади.

(Давоми 2-саҳифада)

ЖИЗЗАХ ЯНГИ ЎСИШ НУҚТАЛАРИ МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 2 декабрь кун ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнлари билан танишиш ҳамда келгусидаги вазибаларни фаоллар иштирокида белгилаб олиш учун Жиззах вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб замонавий ва қулай йўл инфратузилмасини барпо этиш бўйича амалга оширилган ишлар билан танишди.

Вилоят марказини М-39 халқаро автомобиль йўлига боғлаш мақсадида қарийб 290 миллиард сўм ҳисобидан 700 метрлик йўл ўтказгич ва 4 километрлик янги автомобиль йўли қурилди.

Мазкур йўл ҳар кун 14 мингдан ортиқ транспорт воситасини ўтказиш имкониятига эга.

Шу пайтгача ушбу йўналишдан аҳоли шаҳарга кириш-чиқиш учун 25 километрлик айланма йўлдан фойдаланишга мажбур эди. Янги иншоот туфайли бу масофа 4 километргача қисқарди, эски йўлдаги тирбандликлар бартараф этилди. Бу нафақат ҳайдовчилар, балки тadbиркорлар, логистика ва хизмат кўрсатиш соҳаси учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Металл конструкциялардан замонавий технология асосида барпо этилган ўтказгичнинг хизмат муддати 100 йил деб баҳоланмоқда. Анъанавий темир-бетон ўтказгичлар одатда 50 йил хизмат қилади. Демак, хизмат муддати икки баробарга узайди.

Лойиҳанинг яна бир муҳим жиҳати – илгари йўловчи ва юк поездлар ўтган пайтда автомобиллар темир йўл кесиммасида тўхтаб қолишга мажбур эди, эндиликда эса йўл ўтказгич қурилгани туфайли тез тиббий ёрдам, ўт ўчириш ва бошқа махсус хизматларнинг ҳаракати анча енгиллашади.

Шу ернинг ўзида давлатимиз раҳбарига атом энергетикаси лойиҳаларининг бориши тўғрисида ахборот берилди.

Айни пайтда Жиззах вилоятида интеграциялашган иккита кам қувватли реактор ва иккита катта реактордан иборат атом электр станциясини барпо этиш бошланган.

Ҳозирги босқичда реактор биноси учун котлован қозиш ишлари фаол паллага кирган. Қурилиш-монтаж базаси учун ер текислаш, бетонлаш, арматура ўрнатиш ишлари бажарилмоқда. Қурувчилар яшаши учун вақтинчалик турар жой мажмуаси барпо этилган.

Атом электр станцияси учун зарур қурилиш материалларини маҳаллийлаштириш, олийгоҳларда соҳа учун кадрлар тайёрлашни кенгайтириш режалари тақдимот қилинди.

Бўлажак электр станцияда меҳнат қиладиган мутахассислар ва уларнинг оилалари учун моношаҳарча қуриш лойиҳаси ҳақида маълумот берилди. Шаҳарча АЭСдан 16 километр узоқликда жойлашган, 10 минг кишига мўлжалланган бўлади, унда барча зарур инфраструктура, ижтимоий ва хизмат кўрсатиш объектилари қўзда тутилади.

(Давоми 2-саҳифада)

Картошкачиликни ривожлантириш борасида Жиззах вилояти намуна бўлиши кераклиги таъкидланиб, 2026 йилдан картошка етиштирувчиларни қўллаб-қувватлашнинг янги механизмлари жорий этилиши белгиланди

ЖИЗЗАХ ЯНГИ ЎСИШ НУҚТАЛАРИ МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

Президентимиз Жиззах шаҳрига кириш қисмини замонавий қиёфага келтириш бўйича мастер-режа ва реновация лойиҳалари тақдимоти билан ҳам танишди.

Реновация дастури асосида Жиззахда эски уй-жойлар ўрнида замонавий, қулай ва хавфсиз турар жойлар барпо этилиши режалаштирилган. Шунингдек, IT-марказ биносини барпо этиш, ҳунармандчилик марказини ташкил этиш, айрим мавжуд мажмуаларни реконструкция қилиш ҳамда гавжум кўчаларни тартибга келтириш каби лойиҳалар билан танишилди.

– Бугунги Жиззах – кечати Жиззах эмас. Вилоятни салоҳияти, имконияти каррасига ошди, одамларнинг ҳаётга, ишга муносабати тубдан ўзгарди. Шу имкониятларни аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган аниқ лойиҳаларга айлантиришимиз керак, – деди Президент.

Тақдимотлар давомида муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари Жиззах политехника институтги қошида ташкил этилган Автомобилсозлик муҳандислик мактаби фаолияти билан танишди.

Бу ерда “BYD Uzbekistan Factory” ва “ADM Jizzakh” корхоналари билан малакали мутахассислар тайёрлаш ва уларни ишга жойлаштириш бўйича ҳамкорлик ўрнатилган.

Муҳандислик мактабида транспорт соҳасига ихтисослашган тўрт таълим йўналишини бўйича ўқув дастурлари янгича ёндашув асосида ташкил этилган. Хусусан, иккинчи курсни юқори кўрсаткичлар билан тамомлаган талабалар BYD заводи талаблари асосида ишлаб чиқилган замонавий ўқув платформаларида икки йиллик дуал таълим олади. Талабалар завод билан тўғридан-тўғри ҳамкорликда амалий машғулотларни ҳам ўтаб боради, бу эса уларга махсус ишга йўланма сертификатига эга бўлиш имконини беради.

Қисқа муддатли тайёрлов курсларида автомобиль заводида ишга кирувчи номзодлар, завод ишчилари ва ишсиз ёшларга ўзлари қизиққан касблар ўргатилади. Бу ерда BYD автомобиль ишлаб чиқариш мини конвейери ҳам ташкил этилган. Ишлаб чиқариш цехида пайвандлаш, бўяш, йиғув ва сифат назорати бўлимлари мавжуд.

Электромобиль ва зарядлаш станциясининг тузилиши, электромобилларга хизмат кўрсатиш, саноат ва дастурлаш муҳандислиги, таннарх ва реверс муҳандислиги йўналишларига ихтисослашган махсус хоналар ташкил қилинган.

Дунё автомобиль саноатида битта қолама мавжуд: рақибни таҳлил қилмаган компания ривожлана олмайди.

Жиззахдаги ушбу муҳандислик мактабида биринчи марта махсулотни техник-аналитик солиштириш, харажатларни моделлаштириш (cost modeling), ишлаб чиқаришнинг оптималлаштириш, жараёнларни глобал стандартлар билан таққослаш каби қўنىкмалар ҳам ўргатишмоқда.

Муҳандислик мактаби фақат талабалар учун эмас, балки соҳада фаолият юритиш истагидаги ёшлар ва мутахассислар учун ҳам очик. Бу ерда малака ошириш дастурлари, бошлангич касбий тайёргарлик курслари ва тадбиркорлар учун амалий ўқув модуллари ташкил этилган. Уларда илгор мутахассислар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг тажрибали муҳандислари фаол иштирок этади.

Мактабнинг асосий мақсади – талабани тайёр кадр сифатида иш жойига боришдан олдин амалиёт муҳитига олиб киришдан иборат. Натижада битирувчилар бозор талабларига тўлиқ жавоб берадиган, етук ва рақобатбардош мутахассисга айланади.

Давлатимиз раҳбари мактабдаги машғулотлар жараёнини кузатиш, мини конвейерда ишлаётган талабалар билан суҳбатлашди.

Президентимиз шу ерда республика ва вилоят фаоллари билан ҳам мулоқот қилди.

Кейинги йилларда Жиззахда саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа қўллаб соҳаларда яхши натижаларга эришилаётгани қайд этилди. Лекин ишга солинмаган имкониятлар ҳали қўплиги айтилди.

– Жиззахга келиб, янги ўсиш нуқталарини белгилаб олишни мақсад қилганмиз. Асосийси, аҳоли, хусусан, ёшларга муносиб шароит яратиш, юқори даромадли иш билан таъминлаш, – деди давлатимиз раҳбари.

Президент Шавкат Мирзиёев янгидан барпо этилган Жиззах вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказига таширф буюрди.

Ушбу мажмуа аҳолига барча зарур тиббий хизматларни бир жойнинг ўзига кўрсатиш имконини яратиши билан катта аҳамиятга эга. Лойиҳа вилоятда ташкил этилаётган тиббиёт кластерининг дастлабки босқичи ҳисобланади.

Замонавий тиббиётда бундай кластери ёндашув тезкор диагностика, юқори технологияли даволаш ва шифо истаганлар учун бюрократик жараёнларни камайтиришнинг энг самарали модели сифатида дан олинган.

Давлатимиз раҳбарига муассаса имкониятлари ҳақида маълумот берилди. Президент беморларни даволаш, шифокорларнинг самарали ишлаши учун яратилган шароитлар билан танишди.

Марказ замонавий етти қаватли бинода жойлашган бўлиб, қунига 400 нафаргача беморни қабул қилиш қувватига эга. Стационар ўринлари 344 та бўлган марказга умумий қиймати 100 миллиард сўмдан ортиқ замонавий жиҳозлар – МРТ, МСКТ,

лаборатория комплекслари ҳамда юқори технологияли жарроҳлик ускуналари ўрнатилган.

Поликлиника, радиология, кардиохирургия, нейрохирургия, офтальмология ва урология каби бўлимларнинг бир мажмуада жойлашгани тиббий хизмат кўрсатишни тезлаштиради, шифокорлар ўртасидаги ҳамкорлик ва беморлар ҳаракатини енгилаштиради. Айниқса, янги имкониятлар туфайли юқори технологияли операциялар учун навбатларининг қисқариши лойиҳанинг энг катта ижтимоий самарасидир.

Марказ ишга тушиши натижасида Жиззах аҳолисининг республика шифохоналари ёки қўшни вилоятларга қатнаши 75-80 фоизга камаяди.

Тиббиёт кластерида Қозон федерал университети билан маҳаллий мутахассислар учун малака ошириш, илгор диагностика ва даволаш усулларини жорий этиш, замонавий тиббий стандартларни ўзлаштириш имкониятини берувчи узоқ муддатли ҳамкорлик ўрнатилди.

Президентимиз соғлиқни сақлаш масъуллари ва ходимлари билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари тиббиёт кластерлари ва кўп тармоқли клиникалар бошқарувида эскича ёндашувлардан чекиниб, янги механизмларни жорий қилиш, жумладан, тиббиётнинг ҳар бир йўналиши бўйича хориждан халқаро экспертлар ва етакчи менежерларни жалб қилиб, маҳаллий мутахассисларни ўзимизда, бевосита муассасаларда ўқитиш, малакасини ошириш, рақамлаштириш ҳамда сунъий интеллектдан фойдаланишни кенгайтириш зарурлигини таъкидлади. Бу Жиззах тажрибаси бўлиши кераклиги қайд этилди.

Президентимиз аҳолининг тиббий хизматлардан розилиги масаласига алоҳида тўхталди. Соҳада амалга оширилаётган ҳар қандай ўзгаришда, энг аввало, инсон қадри устувор бўлиши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

– Одамларимизни кўпроқ бино, ундаги шароит эмас, хизматнинг сифати, шифокорнинг билими, малакаси, ҳалоллиги ўйлантриади. Шифохонага келган одам, аввало, эътибор ва тўғри ташхис, тез ва сифатли даволанишни истаиди. Шунинг учун энг катта вазифа – аҳолига чин дилдан хизмат қиладиган, юксак малака ва компетенцияга эга бўлган тиббиёт тизимини яратишдир, – деди давлатимиз раҳбари.

Шу ерининг ўзига Қозон тиббиёт университетининг Жиззах филиали ўқитувчилари ва талабалари билан суҳбат бўлиб ўтди. Ўқув жараёнида амалий дарсларни кўпайтириш, талабаларни жаҳон тиббиётининг ютуқлари ва илгор тажрибаси билан доимий таништириш бориш муҳим экани таъкидланди.

Президентимиз Жиззах вилоятига таширфи доирасида Шароф Рашидов туманидаги “Агромарказ” қишлоқ ҳўжалиги корхоналари мажмуасида ҳам бўлди.

Юртимизда қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли соҳада имкониятлар кенгайиб, ҳосилдорликни оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жойларда агромарказлар ташкил қилиниб, фермер ва деҳқонларга комплекс хизмат кўрсатиш йўлга қўйилмоқда.

Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов туманида ҳам ана шундай марказ фаолият бошлади.

Марказда ўсимликларни химоя қилиш лабораторияси, ветеринарий дорихонаси, агроном маслаҳати, уруғ ва кўчатлар етказиб бериш, аҳоли хонадонларига иссиқхоналар қуриш, агромаркет дўкони, мини-техникалар сотиш ва уларга хизмат кўрсатиш каби йўналишлар мавжуд.

Бу ерда қишлоқ ҳўжалиги бўйича барча хизматлар “ягона дарча” тамойили асосида йўлга қўйилган. Бир гектар жойни қамраган марказнинг биринчи қаватига ўсимликлар химоя воситалари дўкони, ветеринария дорихонаси, уруғ дўкони, агромаркет, мобил бригада хоналари ва 8 та бошқа хизмат хонаси жойлашган.

Иккинчи қаватда ўсимликларни химоя қилиш лабораторияси мавжуд. Шунингдек, тупроқ ва сув таҳлили хонаси, энтомология ҳамда фитопатология хоналари ташкил этилган.

Марказ худудида вилоят қишлоқ ҳўжалиги бошқармаси, Агросаноатни ривожлантириш агентлиги бўлими, агроинспекция, уруғчилик маркази, қоракўлчилик уюшмаси ҳамда қишлоқ ҳўжалигига хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотлар жойлашган.

Давлатимиз раҳбари агромарказ фаолияти билан танишди, марказ фаолиятини янада кенгайтириш, мижозлар учун хизматларни кўпайтириш ва қишлоқ ҳўжалигида қўшилган қиймат яратиш бўйича тавсияларни берди.

Шундан сўнг Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

– Вилотни қандай оғир шароитлардан олиб чиққанимизни, Жиззахнинг ҳар бир туманида бўлаётган катта-катта ўзгаришларни, одамларнинг хурсандчилигини кўриб, жуда қувонаман ва faxрланаман, – деди давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида.

Ўтган даврда Жиззах вилояти республикадаги саноати энг тез ўсаётган ҳудудга айланди. Саккиз йилда 6,5 миллиард долларлик инвестиция лойиҳалари ишга тушган бўлса, шунинг 45 фоизи саноат ҳиссасига тўғри келади. Жиззахда йилига 175 минг автомобиль ишлаб чиқариш қувватлари яратилди.

Қисқа фурсатда Зомин, Фориш, Арнасой туманлари ва Жиззах шаҳрида 2 миллиард долларлик 500 дан зиёд туризм ҳамда

сервис объектлари иш бошлади. Арнасой ва Зоминда 300 миллион доллар ҳисобига 12 ой давомида тўлиқ ишлайдиган қурут зоналари ишга тушгани, уларда аэропортлар барпо этилгани натижасида Жиззах энг жозибадор туристик маршрутлардан бирига айланди.

Саккиз йил олдин Жиззахдаги иш ўринларининг 42 фоизи қишлоқ ҳўжалигига тўғри келган бўлса, бутун 310 мингга яқин вилоят аҳолиси саноат ва сервис соҳаларидаги юқори даромадли ишлар билан банд.

Пахтачиликка мослашган вилотнинг қишлоқ ҳўжалиги ҳам тубдан диверсификация қилинди. Бахмал, Ғаллаорол, Зомин, Янгиобод, Фориш туманлари боғдорчиликка ихтисослашиб, 28 минг гектар янги боғ ва тоқзорлар барпо этилди. Мирзачўл, Дўстлик, Зафаробод, Зарбдор, Пахтакор, Арнасойнинг чўл ҳудудларида 12 минг гектар ерларда ҳам боғ ва сабзавот плантациялари ташкил қилинди.

Умуман, сўнгги саккиз йилда Жиззахда саноат 2,5 триллиондан 25 триллион сўмга, хизматлар 2,5 триллиондан 20 триллионга, қишлоқ ҳўжалиги 9 триллиондан 30 триллион сўмга ошгани таъкидланди.

– Албатта, бу – катта ислохотларимизнинг бошланиши. Жиззах вилотини ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлида ҳали кўп ишларни қилишимиз зарур, – деди Президентимиз.

Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Президентимиз Жиззах вилояти ҳокими лавозимига ҳоким вазифасини бажариб келаётган Улугбек Мустафоев номзодини илгари сурди. Овоз бериш натижаларига кўра, Улугбек Мустафоев Жиззах вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Давлатимиз раҳбари саноат, инвестиция, туризм, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш ва инфратузилма соҳаларини ривожлантириш бўйича янги ташаббусларни илгари сурди.

Жиззахнинг республика автомобилсозлик саноатидаги улуши 25 фоизга етган. Навбатдаги вазифа заводлар атрофида ёндош тармоқларни ривожлантириб, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш ва таннархни камайтиришдан иборат экани қайд этилди.

Тадбиркорларга қулай шартларда тайёр биноларни тақлиф этиш, бутловчи қисмларни валидация қилиш харажатларининг 50 фоизини қоплаб бериш вазифалари белгिलाб олинди.

Вилотда йилига 1 минг тонна вольфрам казиб олиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ғаллаорол ва Нурободдаги лойиҳалар ишга тушса, Ўзбекистон вольфрам ишлаб чиқариш бўйича етакчи давлатлардан бирига айланиши таъкидланди.

Мутасаддиларга Ғаллаоролдаги олтин ресурсига эга истиқболли майдонга инвестор жалб қилиш, Форишдаги қўрошнин-рух қонида геология-қидирув ишларини охирига етказиб, Арнасойдаги уран захираси аниқланган коннинг техник-иқтисодий асосини яқунлаш топширилди.

“Жиззах” эркин иқтисодий зонасидаги 510 миллион долларлик 30 та лойиҳа ҳисобига 10 мингга яқин одамнинг бандлиги таъминланди. Бу ерда яна 540 миллион долларлик лойиҳалар жадал кетмоқда.

Тадбиркорлар янги лойиҳалар учун саноат зонасини етарли қувватда электр билан таъминлаш ва сув тозалаш иншоотини қуриб беришни сўрамоқда.

Энергетика вазирлигига бу ерга 40 километр юқори қучланишли тармоқ тортиб келиб, 40 мегаваттли подстанция қуриш топширилди. 2026 йил саноат зоналари инфратузилмасини ривожлантириш дастурда “Жиззах” эркин иқтисодий зонасида сув тозалаш иншооти қуриш учун 100 миллиард сўм назарда тутилди.

Саноатнинг энергия билан таъминланганлик даражасини ошириш учун жорий йил 200 мегаватт, кейинги йил 300 мегаваттли қувватлар яратилади. Бунга қўшимча 30 мегаваттли 150 та кичик ва минн ГЭСлар ишга туширилади.

Вилотда инфратузилмани яхшилаш ва тадбиркорликни ривожлантириш учун келаси йил қарийб 10 триллион сўм ресурс берилиши эълон қилинди.

Бахмал ва Зомин туманларидаги тоғли ҳудудларни ягона туризм халқасига бирилаштириш орқали юзлаб сервис объектларини ишга тушириш, минглаб одамларни ишли қилиш, туризм экспортни каррасига ошириш мумкинлиги таъкидланди.

Мутасаддиларга келгуси йилда “Зомин – Бахмал – Ғаллаорол” йўлининг 158 километр қисмини таъмирлашни бошлаш топширилди. Бахмал туманида 39 гектар майдонда 40 миллион доллар инвестиция ҳисобига туризм кластерини ташкил қилиш ташаббуси маъқулланди. Бахмалга ҳам “туризм тумани” мақоми берилиши белгиланди.

Арнасой аэропортида катта самолётларни ҳам қабул қилиш имконини яратиш зарурлиги қайд этилди. Бундан ташқари, Айдар-Арнасой қўлигача темир йўл ҳам олиб келинади.

Президентимиз қишлоқ ҳўжалигига алоҳида эътибор қаратди. Вилотдаги жами 900 минг гектар лалми ва яйлов ерларининг 110 минг гектари захирада тургани, уларда озуқа, мойли экинлар экиш ва саноат боғларини яратиш орқали камида 20 минг одамни ишли қилиш мумкинлиги таъкидланди.

Шунингдек, вилотдаги қўллаб қорвадор ва фермерлар озуқа ҳамда мева-сабзавот етиштиришда сув насосига сарфланган электр учун субсидияни ҳар ойнинг бошида тўлаб беришни сўраган. Мутасаддиларга бутун республикада ушбу субсидияларни ой

бошида берадиган тизим қилиш муҳим экани кўрсатиб ўтилди.

Картошкачиликни ривожлантириш борасида Жиззах вилояти намуна бўлиши кераклиги таъкидланди. 2026 йилдан бошлаб картошка етиштирувчиларни қўллаб-қувватлашнинг янги механизмлари жорий этилиши белгиланди.

Бунда минерал ўғит, техника, ёқилғи ва бошқа харажат учун 6 ойлик имтиёзли давр билан бир йил муддатта 12 фоизли кредит ажратилади. Кредитларнинг 50 фоизгача қисмига кафилик тақдим этилади, сўғориш насосларига қуёш панели ўрнатиш харажатининг ярми қоплаб берилади.

Келгуси йилдан сўғориш насосларининг электр харажатини 50 фоизи қоплаб берилади, четдан олиб келинган картошка экиш ва йнгиб олиш техникалари божхона божларидан озод қилинади.

Шу билан бирга, суперэлита ва элита уруғларини фермерларга етказиб беришгача бўлган даврда музлаткичи омборхоналарда сақлаш харажатининг 50 фоизини қоплаб бериш механизми жорий қилинади.

Бундан ташқари, Бахмалдаги боғдорчилик ҳўжаликлари учун бир қатор янгиликлар эълон қилинди. Хусусан, интенсив боғ ташкил қилишда 7 йил муддатта 3 йил имтиёзли давр билан 14 фоиздан кредит берилади. Меванинг турига қараб, шпалерлар учун 20 минг сўмдан 70 минг сўмгача субсидия ажратилади.

Шунингдек, музлаткичи омборлар учун кредит фоизини асосий ставкадан ошган 8 фоизгача қисми қоплаб берилади. Мева-сабзавот экспортчилари ва боғбонларга ҳам қароқлаш харажатларининг 50 фоизини қоплаш учун субсидия тўланади.

Умуман, келаси йили боғдорчилик бўйича Бахмалда тажриба мактаби яратилиб, ушбу имтиёзлар бутун республикада жорий қилинади.

АҚШлик ҳамкорлар билан Зоминда паррандачилик бўйича йирик насличлик қорхонаси ташкил қилинмоқда. Ушбу кластерда 100 минг бош қувватдаги биринчи насли она товуқ ва 9 миллион дона инкубацион тухум ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бу уникал лойиҳа республикада паррандачиликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Қурилиш ва инфратузилма масалалари муҳокама қилинар экан, ижтимоий хизматлар, меҳнат бозори ва инфратузилмани марказдан узоқ маҳаллалар аҳолисига яқинлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Урбанизация миллий қўмитаси ва вилот ҳокимлигига Европада мутахассисларни жалб қилиб, Жиззах шаҳри ва Шароф Рашидов туманини ягона агломерация асосида ривожлантириш бўйича мастер-режа ишлаб чиқиш топширилди.

Вилот аҳолисининг талаб ва истакларини инобатга олиб, Жиззах шаҳридаги тирбандликни бартараф этиш учун 10 километрли айланма йўл қурилади. Шунингдек, Даштобод шаҳарчаси ва Ховос тумани ўртасидаги темир йўл устидан ҳам янги кўприк қурилиши бошланди.

– Бугун снзлар билан вилотни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олдимизда турган янги вазифаларни белгилаб, асосий масалаларни муҳокама қилиб олдик. Бу саъй-ҳаракатлар ва қабул қилаётган қарорларимиздан мақсад битта – шу ерда яшаб, меҳнат қилаётган одамларни рози қилиш, вилотни ҳар томонлама ривожланган ҳудудга айлантириш, – деди давлатимиз раҳбари йнгилиши якунида.

Сессия давомида вилот ва туман ҳокимларининг ҳисоботлари, фаолларнинг фикрлари тинланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Жиззах шаҳрида жойлашган “Кўк сарой” савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси фаолияти билан ҳам танишди.

Мамлакатимизда савдо соҳасида замонавий хизматлар кўрсатиш, кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти учун қулай шароит яратиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жиззах шаҳридаги 3,5 гектар майдонда фаолият юритаётган “Кўк сарой” мажмуаси савдо ва манший хизмат соҳасида вилотдаги энг йирик объектлардан биридир.

Бу ерда 300 дан ортиқ янги тадбиркорлик субъектлари иш бошлаган. Натижада 800 дан зиёд иш ўрни яратилди, жумладан, эҳтиёжманд тоифадаги 100 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Мажмуада йирик савдо тармоқларининг филиаллари, 10 та йирик маҳаллий ва хорижий бренд ишламоқда, 250 та савдо дўкони, фуд-корт ва болалар майдончаси жойлашган. Кўрсатилган хизматлар ҳажми йилига 223 миллиард сўмини ташкил этмоқда.

Эътиборлиси, мажмуада кутубхона ва китоб дўкони ҳам ташкил этилган.

Лойиҳанинг иккинчи босқичи сифатида мингта савдо шохобчасини ўз ичига олган, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига ихтисослашган уч қаватли “Жобозор” қурилиши режалаштирилган. Натижада 2 мингта янги иш ўрни яратилди.

Президентимиз мажмуа фаолияти билан танишиб, таширф буюрганлар билан самимий мулоқот қилди. Хизматларни комплекс ёндашув асосида янада ривожлантириш, бундай марказларни бошқа ҳудудларда ҳам қўпайтириш зарурлигини таъкидлади.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг Жиззах вилоятига таширфи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОВЕВ,
Абдулазиз РУСТАМОВ,
Абдулжазиз ҚАЮМОВ
ЎЗА махсус мухбирлари.

➤ Ирригация ва мелиорация объектларида

Реконструкция ишлари ўз вақтида амалга оширилмоқда

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 24 декабрдаги “2025-2027 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, жорий йилда “Сурхондарёсувқурилишинвест” ДМ буюртмачилигидаги 15 та ирригация ва 3 та мелиорация объектига жами 126 631,0 млн. сўм лимит ажратилиб, ирригация объектларини реконструкция қилиш ва қуриш бўйича 120 897,3 млн. сўм лимит ҳисобига 2 та йилдан-йилга ўтувчи ҳамда 13 та янгидан бошланувчи ирригация объектларида 66,8 км. каналларни, 0,5 м3/сек қувватли насос станцияларини, 1 дона ГТИни реконструкция қилиш ва қуриш, 4 дона ГТИни сел-тошқин сувларидан ҳимоялаш ҳамда 0,45 км. дамбани тиклаш ишларини бажариш режалаштирилганди.



километр узунликдаги коллекторларни, салкам 93 километр узунликдаги ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқлари ҳамда 50 дона кузатув қудукларини таъмирлаш-тиклаш ишларини бажариш белгиланганди. Бу борадаги ишлар ҳам белгиланган режа асосида, ўз вақтида ташкил этилмоқда.

Алишер АБДУРАХИМОВ,
Сув ҳўжалиги вазирлиги “Сурхондарёсувқурилишинвест” ДМ директори.

Шу йилнинг биринчи ноябрь ҳолатига 103092,2 млн. сўмлик 63,5 километр узунликдаги каналларни, бир дона ГТИни реконструкция қилиш ва қуриш, 4 дона ГТИни сел-тошқин сувларидан ҳимоялаш ҳамда 0,45 км. дамбани тиклаш ишлари йиллик лимитга нисбатан 85 фоизга бажарилди.

Худди шунингдек, мелиорация объектларини реконструкция қилиш ва қуриш бўйича 5 733,7 млн. сўм лимит ҳисобига 3 та янгидан бошланувчи

мелиорация объектларида 11,7 км. ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқлари ҳамда 5 дона ГТИни реконструкция қилиш ва қуриш ишларини бажариш режалаштирилган бўлиб, биринчи ноябрь ҳолатига 4795,9 млн. сўмлик 11,717 км. ёпиқ-ётиқ



(Боши 1-саҳифада)

Бинобарин, фуқаролик жамияти орқали давлат юқори даражадаги ҳуқуқий мазмун ва сифатларга эга бўлади. Мамлакатнинг ҳар бир фуқароси фуқаролик институтлари фаолиятида кенг иштирок этади ва улар орқали сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан ўз эҳтиёжларини қондиради. Фуқаролик жамиятида давлат ва унинг органлари фаолияти устидан фуқароларнинг жамоатчилик назорати ўрнатилган. Давлатнинг бир қатор ваколатлари жамоат ташкилотлари зиммасига юкланади. Фуқаролик жамиятини қуриш кучли давлатдан кучли жамият сари босқичма-босқич ўтиш орқали рўй беради. Фуқаролик жамиятининг тарихий илдизларига қисқача назар ташласак, “Фуқаролик жамияти” тушунчаси илк бор Қадимги Греция ва Римда вужудга келган. Бу борадаги дастлабки фикрлар Аристотель (милoddан аввалги 384-322 йй.) томонидан “Сиёсат” асарида ёритилди. Унинг фикрига кўра, инсоннинг эркин яшаши учун жамиятда қонунлар устувор бўлиши лозим. Шарқда фуқаролик жамияти тушунчасига нисбатан ўзига хос талқинлар мавжуд. Бу одоб-ахлоқ, маданият ва ҳуқуқнинг уйғунлашган шакли билан боғлиқ. Жумладан, “Авесто” китобида кишиларнинг биргалашиб яшаши, инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ахлоқ меъёрларига таяниши, ватанпарварлик, аҳиллик каби ғоялар илгари сурилган. Абу Наср Фаробий асарларида, хусусан, унинг “Фозил ғолам шаҳри” асарида давлатни бошқаришда адолатли қонунларга таяниш лозимлиги ўқтирилади. Фаробийнинг ёзишича, фозиллар шахрининг

КОНСТИТУЦИЯ – ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ТАЯНЧИ

бошлиғи табиатан ўн иккита хислат-фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши, хусусан, “у ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ёлгонни ва ёлгончиларни ёмон кўрадиган бўлиши зарур”. Шунини таъкидлаш керакки, бутунги кунда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг аҳамияти ортиб бормоқда. Чунки мазкур институтлар демократик қадриятлар, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланиб бормоқда, фуқароларнинг ўз иқтидорини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятимизда турли манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда. Фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий асослари ҳақида шунини айтиш керакки, фуқаролик жамияти институтларининг ташкил этилиши ва фаолият юритишининг ҳуқуқий асосларининг ўзаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз аксини топган. Хусусан, янгиланган Конституциямизнинг 69-моддасида белгиланганидек, “Фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади. Фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти қонунга мувофиқ амалга оширилади”. Фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларининг яратилиши нафақат мамлакатимиз миллий қонунчилик тизимида жамоат ташкилотларининг фаолиятига

оид ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг мустақил соҳасининг юзага келишига олиб келди, балки унга тизимлилик тусини берди. Айни вақтда жамоат ташкилотларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалалар ўз ичига конституциявий, фуқаролик, маъмурий, жиноий ҳуқуқ меъёрларини қамраб олувчи бутун қонунчилик тизимининг ривожига ҳам имконият туғдирди. Зеро, инсон эртанги кунига ишониб яшаса, унинг ҳуқуқий асослари қафолатланган бўлса, нафақат у жамият тараққиётининг юксалишида, балки ўзининг шахсий ҳаётида ҳам муҳим ўзгаришларни амалга оширади. Дарҳақиқат, Бош Қомусимиз келажаги буюк Ўзбекистон учун, унинг шижоатли, ватанпарвар халқи учун камарбаста бўлиб, Ватан ва халқ равнақи йўлида ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Бутунги кунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва уни тўла-тўқис рўёбга чиқариш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги диққатга сазовордир. Хусусан, янги тахрирдаги Конституциямизнинг 54-моддасида шундай дейилади: “Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсадидир. Давлат инсон ҳамда фуқаронинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди”. Ушбу моддadan кўриниб турибдики, мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла қафолатланган бўлиб, бу ўз навбатида инсон ҳақ-ҳуқуқлари ишончли тарзда таъминланганлигидан қолаверса, инсон ва унинг кадр-қиммати энг олий қадрият ҳисобланиб, Конституциянинг инсонпарварлик, адолат ғоялари билан суғорилганлигидан далолатдир. Ушбу

тамоийлар ўз моҳиятига кўра ҳуқуқий давлатнинг энг асосий талабларини ўзида мужассам этган. Энг асосий Конституциявий меъёрлар асосида қабул қилинган ва жорий этилган қонунлар инсон ва жамият манфаатларига йўналтирилмоқда. Унинг асосий мақсади ҳам мустақил юртимизни дунёнинг энг етук давлатлардан бирига айлантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, кўп миллатли республика аҳолисини ягона Ватан, ягона мақсад, ягона ғоя теварагида жипслаштиришдан иборатдир.

Қонун устуворлиги ҳуқуқий демократик давлатнинг энг асосий талаби ва тартибларидандир. Мамлакатимиз фуқароларининг қонунларга қатъий амал қилиши мажбурий ҳисобланиб, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг энг зарур шарти ҳисобланади. Шунини таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий демократик давлат тамоийлари кўп миллатли халқимизни асрлар давомида шаклланган анъаналари, урф-одатлари, миллийлиги, бой маданий меросини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қаратилган бўлиб, бу айнан давлат ва халқ манфаатларининг уйғунлигидан далолатдир. Жамият ва халқ манфаатлари уйғунлашган жойда Ватан равнақи юксалиб, халқ фаровонлиги ошиб боради.

Республикаимизда барча соҳаларда юз бераётган туб ижобий ўзгаришларда халқимизнинг инсонпарварлик, ҳам-жиҳатлик хусусиятлари муҳим роль ўйнаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Дарҳақиқат, жамиятда маънавий муҳитнинг соғломлиги, давлат ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликнинг барқарорлиги, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, ҳар бир инсоннинг ўз ишидан мамнунлиги ва эртанги кунга бўлган ишончнинг тобора ортиб бораётганлиги Конституциямизнинг ҳуқуқий демократик давлат таянчи ва инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилганлигидан далолатдир. Бош Қомусимиз янги Ўзбекистонимизни келажаги буюк давлат сари бошлаб борувчи Асосий Қонун бўлиб, адолатли демократик давлат пировардида фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий негизини ташкил этади.

Ҳакимали АЗИМОВ,
Тошкент давлат юридик университети профессори.

Таълим-тарбиянинг КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСИ



Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланишларнинг ҳуқуқий қафолати ва пойдевори ҳисобланган Конституциямизнинг ижтимоий–иқтисодий, сиёсий–ҳуқуқий, маънавий–маърифий, шунингдек, таълим–тарбия соҳаларини тартибга солишга қаратилган қоидалари мазмун–моҳиятан халқаро андозаларга мослиги ва замон талабларидан келиб чиққанлиги билан аҳамиятли ва қадрлидир.

Таълим-тарбия хусусида гап борганда, авваламбор, жамиятимизнинг барча жаҳалларида босқичма-босқич олиб борилаётган ислохотлар, жумладан Президентимиз ташбири билан айтганда, учинчи Ренессанснинг тўрта халқаси бўлган мактабгача таълим, мактаб, олий таълим ва илмий-тадқиқот соҳаларидаги содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар, ушбу соҳада яратилаётган сезиларли эркинликлар беихтиёр кўз олдида қолдириб қолдирилади. АҚШнинг етакчи академик алмашув муассасаларидан бири ҳисобланган “American Councils” президенти Лиза Чоатнинг ўз нутқида Президент Ш.М.Мирзиёев сиёсатининг асосий тамоийли таълим ва ёшларни қўллаб-қувватлаш эканини алоҳида таъкидлаб, сўнгги йилларда мазкур соҳада мисли кўрилмаган институционал ва қонунчилик тизимидagi ўзгаришлар амалга оширилаётганлигини қайд этганлиги буни яна бир бора тасдиқлайди. Дарҳақиқат, бутунги кунда Ўзбекистон нафақат иқтисодий жиҳатдан кучли давлат, балки ёш авлод қалбида ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантираётган маданий уйғониш, таълим-тарбия макони сифатида ҳам майдонга дадил чиқиб бормоқда. Бунинг бир жиҳатини мамлакатимизда мактабгача таълим қамрови 27 фоиздан 78 фоизга ошганлиги, ёшларимизнинг олий таълим билан қамрови эса 9 фоиздан 42 фоизга етганлиги, энг асосийси, ўқитувчи ва устозлик касбининг обрўси ва нуфузини кескин оширишга ҳал қилувчи масала сифатида қаралаётганлигида кўриш мумкин. Бу ўринда, яқинда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган ЮНЕСКОнинг Бош Конференцияси ва унда ЮНЕСКО фаолиятининг янги йўналишлари ҳамда вазифаларини белгилаб олиш юзасидан Президентимизнинг табрик чиқишларида илгари сурилган кенг қамровли 5 та тақлифини, шунингдек, таълимни ривожлантириш,

ушбу жараёнга сунъий интеллектни жорий қилиш, жумладан, инклюзив таълим масалаларига алоҳида эътибор қаратилганлигини эслаб ўтиш жоиз, деб ҳисоблаймиз. Хусусан, Конституциямизда “Мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим давлат назоратидадир”, деган қоида мустаҳкамланганлиги, унда таълим-тарбия йўналишида юз бераётган реал воқеалар моҳиятан акс эттирилганлиги ва давлатнинг йўналтирувчи ролининг белгиланганлиги ўта аҳамиятлидир. Мазкур конституциявий меъёрнинг тўлиқ матни, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, давлат мактабгача таълим ва мактаб ишларини мулк шаклидан қатъий назар назоратга олишини, узлуксиз таълим тизими ҳамда унинг ҳар хил турлари ва шакллари, шунингдек, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожини таъминлашини, бунинг учун шарт-шароитлар яратишни қафолатлашини аниглади. Зеро, тўрта халқа бир-бирини тўлдирувчи давомли тусга эга бўлиб, бир-бири билан ҳамбарчас боғлиқдир. Конституциявий қоида сифатида эътироф этилган умумий таълим ҳамма учун тенг ва бепул эканлиги, умумий таълимнинг мажбурийлиги, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар болаларнинг умумий таълим олишларини таъминлашлари, хусусий мактаблар очиш ҳуқуқининг қафолатланганлиги инклюзив таълим ва тарбияни ташкиллаштириш масалаларини мустаҳкамлайди. Бу ўринда айтиш жоизки, хусусий мактаблар давлат руҳсати билан очилади ва

қонунларга тўлиқ амал қилади. Хусусий мактаблар фаолиятини тартибга солувчи тамоийлар давлат мактаблари учун белгиланган стандартларга мувофиқ қонун ҳужжатларида назарда тутилади. Мактаб ишлари давлат назоратида бўлади. Бунинг мантикий давоми сифатида Конституциянинг 51-моддасида эътироф этилган “фуқаролар давлат ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий таълим олиш, ва уларга академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқи” берилиши яна бир қарра давлатнинг таълим-тарбия, илмий ва маънавий-маърифий-техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилишини қафолатлайди.

Ҳар кимга илмий ва ахборот-техникавий ижод, кашфиёт ва ихтиро эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи тақдим этилади. Ҳар ким ёшидан ва маълумотидан қатъий назар ўз ихтиёрига кўра илмий изланишлар ўтказиши, ихтиро ва кашфиётлар яратиш ҳуқуқига эга. Жамият ва давлат ҳаётида ижобий натижа келтирган илмий изланишлар, ихтиро ва кашфиётлар давлат томонидан рағбатлантирилади, муносиб шарт-шароитлар яратиб берилади деган мазмун ва матндаги ушбу меъёр Конституциямизни мазмун–моҳиятан янада бойитган. Миллий қонунчилигимиз асоси ҳисобланган Конституциямизнинг “Иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик ҳуқуқлар” деб номланган 9-боби қоидалари, хусусан, унинг 50-51-моддалари мазмун–моҳиятан ўрта махсус таълим ҳамма учун тенг бўлиши, олий таълим эса ҳар кимнинг қобилиятига асосланган ҳолда ҳамма учун бир хил бўлиши кераклигини аниглади. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида кенг қўламли вазифалар, хусусан, адолатли ва халқпарвар давлатни барпо этиш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, унинг кадр-қимматини улуғлаш каби олийжаноб мақсадларни амалга ошириш йўлида Конституциямиз ҳақиқий ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Сўнгги йилларда рўй берган давлат ва жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларидаги жадал ислохотлар жараёнида, жумладан, таълим, илм-фан соҳасида ҳам ижобий ўзгаришлар содир бўлганлиги, ўқув таълим йўналишида сезиларли эркинликлар берилганлиги, сирасини айтганда, самарали ишлар амалга оширилганлиги барчамизнинг қалбимизда ғурур ва ифтихор ҳиссини уйғотди.

Р.РЎЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳафсизлиги университети профессори, ю.ф.д.

➤ Огоҳ бўлайлик!

Статистик маълумотларга кўра, куз-қиш мавсумида содир бўлаётган кўнгилсиз ҳолатларнинг асосий қисми энергия ресурсларидан фойдаланиш қоидалари бузилиши билан боғлиқ. Буларнинг ичиди ис газидан заҳарланиш, ҳаво-газ аралашмасининг чақнаши билан боғлиқ вазиятлар нохушликларни келтириб чиқаради.

“Ҳидсиз ажал”, дейдилар уни...



Ис гази (углерод оксиди) – рангсиз, таъмсиз, ҳидсиз заҳарли газ ҳисобланади. У ер юзида энергиянинг жадал ишлатилишидан юзага келувчи, табиатда энг кўп тарқалган заҳарловчи газлардан бири. Ис гази ҳар қандай ёқилғи, жумладан, табиий газ, бензин, дизель, мазут, кўмир, ўтин қўғларининг чала ёниши оқибатида ҳосил бўлади. Тутун таркибида 3 фоиз, ишланган газда 13 фоиз, портловчи газлар таркибида эса 50-60 фоизгача ис гази бўлади. Ис гази организмга нафас аъзолари орқали таъсир этади. Ушбу газ гемоглобин билан кислородга нисбатан 300 мартаба кучли бирикма – карбоксигемоглобин ҳосил қилади. Оқибатда гемоглобиннинг тўқималарга кислород ташиш хусусияти кескин пасайиб, гипоксияга, оғир ҳолатларга эса, анокицияга олиб келиши ҳамда шу тариқа инсон ҳаётдан қўз юмиши мумкин. Умуман олганда, шамоллатиш тизими яхши ишламайдиган органик моддалар ишлаб чиқарадиган корхоналар, автомобиллар, дам олиш палаткаларида, шунингдек, уй шароитларида табиий газ чиқиб турганда ёнувчи модданинг тўлиқ ёнмаслиги оқибатида ис газидан заҳарланиш мумкин. Энг ачинарлиси, ис газининг энг кам микдори ҳам заҳарланиш учун етарли бўлади. Инсон ўзида ҳолсизланиш аломатларини ҳис қилмагунча унинг борлигини сезмайди. Ҳўш, ис газидан сақланиш учун нима қилиш керак? Газ ҳидини сезган заҳоти газ авария диспетчерлик хизматида хабар бериш, барча газ қранларини ёпиш, очик оловдан фойдаланмаслик, дарҳол эшик ва деразаларни очиб, хонани шамоллатиш, электр жиҳозларини ёқмаслик ва ўчирмаслик лозим. Ис газидан заҳарланганда биринчи ёрдам кўрсатиш учун аввало, газ тарқалган жойдан жабрланувчини тезлик билан

тоза ҳавога олиб чиқиш керак. Жабрланувчи ҳушидан кетган бўлса, нашатир спиртини ҳидлатиш, сунъий нафас бериш, танани ишқалаш, иссиқ чой ва кофе ичириш ва албатта, тез tibбий ёрдамни қақариш керак.

Ис газидан заҳарланиш ҳолатларининг аксарияти фуқаролар томонидан газ ва муқобил ёқилғи (кўмир, ўтин ва бошқа) турларидан фойдаланишда ҳавфсизлик қоидаларига риоя этмаслик, ностандарт (қўлбола ясалган) ёки сертифицикатга эга бўлмаган иситиш печлари ва анжомларидан фойдаланиш, иситиш печларининг дудбурларини нотўғри ўрнатиш, газ ёки бошқа муқобил ёқилғига мослаштирилган иситиш печлари ҳамда суолтирилган углеводород газ баллонларини дам олиш хоналарига олиб кириш, ҳаво алмашмайдиган хоналарни иситишда очик олов (кўмир ва ўтин қўғлари)дан фойдаланиш, ҳавонин алмаштирувчи шамоллатиш шахталари ёки туйнукларни беркитиб (тўсиб) қўйиш оқибатида содир бўлади. Юқорида кўрсатиб ўтилган сабабларга кўра, иситиш учун фойдаланилаётган ёқилғининг чала ёниши натижасида ис гази ҳосил бўлади. Унутмаслик керакки, газ плитасидан бинони иситиш ва унинг устида кийимларни қуритиш, шунингдек, плитанинг ёқилган ҳолатда назоратсиз қолишига йўл қўймамаслик лозим. Бундан ташқари, газ сизиб чиқаётганини очик олов, масалан, гугурт қақиб текшириб қўриш мумкин эмас. Газ баллонларини иссиқлик манбаига яқин жойда қолдирмаслик лозим. Болаларни газ ускуналарида фойдаланилувчи жойларда назоратсиз қолдириш мумкин эмас.

Муроджон АҲМАДАЛИЕВ,
Санитария-эпидемиологик оқойишхона ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Наманган вилояти бошқармаси санитария-гигиена лабораторияси мудири.

➤ Эълолар

09-02/10937 рақами билан 1999 йил 12 июлда Гуламова Нелли Мастура номига берилган хонадонга эғалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
06-02/3585 рақами билан 1993 йил 5 январда Давлетова Валентина Владимировна номига берилган хонадонга эғалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордерининг 2018 йил 5 мартда берилган дубликати йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
Олмазор тумани “Давлат хизматлари” маркази томонидан 2025 йил 11ноябрда 3004295-реестр рақами билан рўйхатдан ўтган «ELEKTROSFERA» (СТИР: 312568425) МЧЖга Шайхонтоҳур тумани “Давлат хизматлари” маркази томонидан 2025 йил 11ноябрь кунин 579791-реестр рақами билан қайта рўйхатдан ўтган “BEST ENERGY” (СТИР: 305328963) МЧЖ қўйилиши муносабати билан «ELEKTROSFERA» МЧЖ “BEST ENERGY” МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Мурожат учун тел.: +99890) 187-66-22.
05-02/1288 рақами билан 1993 йил 5 январда Фозилов Убайдулла номига берилган хонадонга эғалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
05-02/5401 рақами билан 1993 йил 12 февралда Ильясов Шомурат номига берилган хонадонга эғалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

